

ИҚТИСОДИЁТДА РАҚОБАТ МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА НАРХИГА ТАЪСИРИ

Усмонов Бахтиёржон

Андижон Давлат Университети, Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш магистранти

Аннотатсия.

Рақобат кўп қиррали иқтисодий ҳодиса бўлиб, у бозорнинг барча субъектлари ўртасидаги мураккаб муносабатларни ифодалайди. Рақобат- бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашувидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва қўпроқ манфатдорликка эга бўлиш учун курашни англатади. Рақобат- таклиф талаабдан ошиб кетганда ва бу одатдагидек, фирмалар ўртасида эмас, товарлар ўртасида юзага келган шароитда зарур ҳодиса.

Калит сўз: Рақобатнинг вазифаси, Еркин рақобат, Тармоқлараро рақобат, Монополистик рақобат, Рақобатнинг шакиллари.

Кириш.

Монопол хукмронликни чеклаб туришда монополияга қаршиқонунчиликнинг ўрни, жумладан, табиий монополиялар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши масалалари мухим хисобланиб Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши қонунчиликда бу масалага алоҳида эътибор қаратилади.

Товар хўжалиги эндинга ривожланаётган пайтда рақобатчилик иқтисодий ҳаётда мухим роль ўйнамаган. Чунки у жамиятда ноиктисодий чеклашлар, рақобат учун ёпиқ соҳалар бўлган эди. Рақобатнинг амал қилиши учун маълум шарт –шароитлар мухайё бўлишини талаб этади. Рақобат фақат бозор иқтисодиёти мухитидагина бўлиши мумкун. Чунки шундагина у зарурият бўлади. Бозор тизими учунгина рақобат объектив зарурият бўлади. Бозор иқтисодиётининг вужудга келиши билан айни бир вақтда рақобат шаклланади. Бундан ташқари бозор бўш бўлса, ишлаб чиқарилга маҳсулотга талаб юқори бўлса, рақобат тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Рақобатнинг асосий вазифалари ва унинг тавсифи.

Рақобатнинг мазмуни унинг вазифаларини кўриб чиқиш орқали янада кенгроқ намоён бўлади. Ҳозирги бозор иқтисодиётида рақобатнинг қўйидаги асосий вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин: (2.1-расм)



Рақобат курашининг мазмуни тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун унинг асосий шакллари ва белгиларини кўриб чиқиш зарур. Ўз миқёсига кўрақобат икки турга –тармоқ ичидаги ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Тармоқ ичидаги рақобаттоваришилаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, қўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради. Ҳар бир тармоқдаги мавжуд корхоналарнинг техника билан таъминланиш ва меҳнат унумдорлиги даражалари турлича бўлганлиги сабабли, ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган товарларнинг индивидуал (алоҳида) қиймати бир хил бўлмайди.

Рақобат курашининг икки усули фарқланади: нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашининг асосий усули бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўз товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Унинг асосий ва энг кўп қўлланиладиган кўриниши – «нархлар жанги» деб аталадики, бунда йирик ишлаб чиқарувчилар рақибларини тармоқдан сиқиб чиқариш учун нархни вақти-вақти билан ёки узок муддат пасайтириб туради. Бу усулни қўллаш учун ишлаб чиқарувчи бошқа рақибларига қараганда унумлироқ технологияни киритиши, малакалироқ ишчиларни ёллаши ва ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиши керак бўлади. Фақат шундагина унинг товарининг индивидуал қиймати бозор қийматидан паст бўлиб, мазкур товар нархини пасайтириш имконини беради.

Рақобатнинг вазифаси - бир хил талабни турлича қондириш мумкинлигидан юзага келади ва улар қўйидагилар:

- 1) тартибга солиш вазифаси;
- 2) ресурсларни жойлаштириш вазифаси;
- 3) инноватцион вазифа;
- 4) мослаштириш вазифаси;
- 5) тақсимлаш вазифаси;
- 6) назорат қилиш вазифаси.

Рақобатнинг **тартибга солиш вазифаси** ишлаб чиқариши талаб (истеъмол)га мувофиқлаштириш мақсадида таклифга таъсир ўтказишдан иборат;

Ресурсларни жойлаштириш вазифаси ишлаб чиқариш омилларини улар энг қўп самара берадиган корхона, худуд ва минтақаларга оқилона жойлаштиришдан;

Инноватцион вазифаси эса фан-техника тараққиёти ютуқларига асосланувчи ҳамда бозор иқтисодиёти субъектларининг ривожланишини тақозо этувчи турли кўринишдаги янгиликларнинг жорий этилишини;

Мослаштириш вазифаси корхона (фирма)ларнинг ички ва ташки мухит шароитларига ратционал тарзда мослашишига йўналтирилган; **Тақсимлаш вазифаси** ишлаб чиқарилган неъматлар ялпи хажмининг истеъмолчилар ўртасида тақсимланишига бевосита ва билвосита таъсир ўтказади;


Рақобатнинг назорат қилиш вазифаси бозордаги баъзи

иштирокчиларнинг бошқа бир иштирокчилар устидан монополистикхукронлик ўрнатишига йўл қўймасликка йўналтирилади.

Рақобатнинг шакиллари

Рақобат кураши ва уни ҳаракатлантирувчи кучлар, монополияга қарши бошқарув механизmlари ҳақида дастлабки тўлақонли назарий қоидалар фақат XVIII асрнинг ўрталарига келиб пайдо бўлган. Бунда классик сиёсий иқтисод вакиллари саналган А.Смит ва Д.Рикардонинг хизматлари каттадир. Кейинги даврларда Ф.Перрү, А.Маршалл, Дж.Кейнс, В.Леонтьев, Й.Шумпетер, П.Сраффа, М.Портер, Ф.Котлер ва бошқаларнинг меҳнатлари туфайли рақобат

назарияси янада ривож топди. Рақобат мөхиятига тұхталар эканмиз, уни асосан уч хил өндешувга бўлиш мумкин. Жумладан, хулқ-автор өндешуви, структуралы өндешув ва функционал өндешув.



1-расм. Рақобатning шакллари

Эркин рақобат шароитида бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқда жуда күп сонли корхоналар мавжуд бўлиб улар тармоққа эркин кириши, уни эркин ташлаб чиқиши мумкин. Шунингдек, уларга бозорда маҳсулотларини сотишга ҳуқуқий, технологик, молиявий ва бошқа жиддий иқтисодийтусиқлар бўлмайди.

Биз тадқиқот олиб бораётган ОТМ ўртасида ҳам эркин рақобат шароити мавжуд бўлиб, бир неча ОТМларда бир хил мутахасисликларда кадрлар тайёрланади. Демак ОТМлар томонидан тайёрланаётган кадрларни улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот деб қарайдиган бўлсак, улар ўртасида эркин рақобат шароити мавжуд бўлиши мукин. Фақат бунинг учун бир турдаги йўналишда кадр тайёрлашга бир неча ОТМларга кенг йўл очиб бериш керак.

Соф монополияда тармоқ битта фирмадан иборат бўлиши сабабли, у мавжуд маҳсулот (хизмат)нинг ягона ишлаб чиқарувчиси хисобланади ва якка хукмонлик шаклланади.

ОТМлар ўртасида рақобатни кучайтириш ва уларни ривожланишлари учун кенг имкониятлар

яратиб бериш мақсадида, айрим ОТМларни хқдкdlар бўйича ягона мутахасис тайёрловчи бўлиб қолишларини олдини олиш керак деб ҳисоблаймиз. Чунки рақобатчиси йўқ ОТМларда мутахасис тайёрлашда рақобат бўлмайди ва рақобат бўлмаган жойда ривожланиш, сифат бўлмади.

Монополистик рақобат ўз ичига ҳам монополия, ҳам рақобат унсурларини олади. Бунда тармоқдаги бир турдаги маҳсулотнинг ўнлаб ишлаб чиқарувчилари бир-бирлари билан қулай нарх ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмига эришиш борасида рақобатлашадилар.

ОТМлар ўртасида монополистик рақобатни шакллантириш ёки вужудга келиши унчалик ҳатарли эмас, чунки ҳам монополия, ҳам рақобат қоидалари амал қилган ҳолда ягона монополис бўлиб қолиш олдини олинади. Масалан, бир худуддаги бир ОТМда қайсиdir йўналишда, бошқасида эса шунга турдош бўлган йўналишда мутахасис тайёрланади. Бир кўринишида ОТМ тайёрланаётган йўналиш бўйича монопол кўринсада, турдош йўналиш бўйича тайёрланаётган мутахасисликнинг шартнома суммаси, унга берилаётган билим даражаси, таълим сифати, ОТМнинг жихозланганлик даражаси ва ҳоказо холатлар турдош йўналиш бўйича мутахасис тайёрлаётган ОТМга ўзининг таъсирини ўтказади.

Олигополия – тармоқда у қадар кўп бўлмаган корхоналарнинг мавжуд бўлиши ва ҳукмонлик қилишидир. Бу олигополиянинг енг муҳим белгисидир. Қайси товарлар ва хизматлар бозорида нисбатан кам сонли ишлаб чиқарувчилар ҳукмонлик қилса, шу тармоқ олигополистик тармоқ ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўз.М.Эн.Т.2006.7 ж. 77 б.

Олигополия шароитида корхоналар ўртасидаги рақобат ўзаро боғлиқ бўлади. Олигополистик тармоқда ҳеч қайси фирма ўзининг нарх сиёсатини мустақил ўзгартира олмайди.

Биз қараб чиқкан рақобат шаклларининг ҳар бири миллий иқтисодиётда алоҳида-алоҳида, яъни соғ ҳолда учрамайди. Иқтисодиёт соҳаларини батафсил ўрганиш, чексиз кўп ҳар хил рақобатли вазиятлар мавжудлиги шароитида, иккита бир хил тармоқни топиш қийинлигини кўрсатади.

Хозирда турли даражадаги монополистик тузилмалар ривожланиб бориши билан улар ўртасидаги рақобатнинг шакллари ҳам турли кўринишларда намоён бўлиб бормоқда. Жумладан, турли монополлашув даражасидаги тузилмалар ўртасида мавжуд бўлишига қўра қуйидаги рақобат

турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) монополлашмаган корхоналар ўртасидаги рақобат;
- 2) монополиялар ҳамда монополистик бирлашмаларга кирмаган ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат;
- 3) турли монополиялар ўртасидаги рақобат;
- 4) монополистик бирлашмалар ўзининг ичидағи рақобат.

Рақобат ўз миқёсига кўра икки турга – тармоқ ичидағи ва тармоқлараро рақобатга бўлинади.

Тармоқлар ичидағи рақобат ишлаб чиқариш ва сотишнинг қулайроқ шароитига эга бўлиш, кўшимча фойда олиш учун бир тармоқ корхоналари ўртасида боради.

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси олиш учун олиб бориладиган курашдан иборат. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқларга капиталларнинг оқиб ўтишига сабаб бўлади. Янги капиталлар кўпроқ фойда келтирувчи соҳаларга интилиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига, таклиф кўпайишига олиб келади. Бунда нархлар ва шунга мос холда фойда нормасига пасая бошлайди. Кам фойда келтирувчи тармоқлардан капиталнинг чиқиб кетиши тескари натижага олиб келади: бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгаради, товарларга бўлган талаб улар таклиф қилишидан ошиб кетади, бунинг оқибатида нархлар кўтарилади, шу билан бирга фойда нормаси ошади. Натижада тармоқлараро рақобат объектив равишда қандайдир динамик мувозанатни келтириб чиқаради. Бу мувозанат капитал қаерга сарфланганлигидан қатъий назар, тенг капитал учун тенг фойда олинишига интилишни таъминлайди. Демак, тармоқлараро рақобаткапитал қайси тармоққа киритилмасин, худди шу тармоқ фойда нормаларини ўртacha фойда нормасига «бараварлаштиради».

Шунингдек, иқтисодий адабиётларда ғирром ва ҳалол рақобатлашув усуслари ҳам ажратиб кўрсатилади. Ғирром рақобат ноиқтисодий усусларидан фойдаланиш, қонун доирасидан чиқкан холда амал қиласидиган рақобат. Ҳалол рақобат – рақобат курашида жамият томонидан тан олинган, иқтисодий усусларни қўллаш, ўзининг мақсад ва манфаатларига эришишда умумжамият манфаатларига зид келувчи ҳолатларни қўлламаслик каби қоидаларга асосланади.

Рақобат курашининг икки усули нарх воситасидаги рақобат ва нархсиз рақобат мавжуд.

Нарх воситасида рақобатлашувда курашнинг асосий усули бўлиб ишлаб чиқарувчиларнинг ўз

товарлари нархини бошқа ишлаб чиқарувчиларининг шундай маҳсулотлари нархига нисбатан пасайтириши ҳисобланади. Нарх рақобат курашининг энг мухим воситаси ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз рақибларини енгиш учун нархни пасайтириш усулидан фойдаланишлари мумкин. Демак, нархни ўзгартириб туриш усули рақобатда кенг қўлланилади.

Нарх ўртасидаги рақобат ОТМлар ўртасида ҳам бўлиши мумкин. Битта йўналиш бўйича мутахасис тайёлаш учун қайсиdir ОТМ юқорироқ бошқаси эса пастроқ нарх белгилаши мумкин. Бу ўз навбатида абитурентларни қамраб олишга ўз таъсирини ўтказади.

Нархсиз рақобат шу билан тавсифланадики, бунда рақобат курашининг асосий омили товарларнинг нархи эмас, балки унинг сифати, сервис хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи фирманинг обрў-этибори ҳисобланади. Бу хозирги глобал иқтисодиёт шароитида амал қилмоқда ва унинг назарий ва илмий асослари кенгайиб турли шаклларда намоён бўлмоқда.

Хулоса.

Шуни алоҳида та’кидлаш жоиз, бугунги кунда республиканизнинг иқтисодий ўсишини та’минлаш, миллий иққодиётда рақобатбардошликни ошириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштириш, инвестицияларни жалб қилишга доир келнг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётiga чет эл капиталидан фойдаланган ҳолда янги технологиялар жалб қилинмоқда.

Бугунги кундаги энг асосий мақсад бу Жаҳон Савдо Ташкилотига а’зо бўлишdir. Ушбу ташкилотнинг белгиланган ме’ёрларини бажариш учун президентимиз томонидан мамлакат иқтисодиётида тубдан ўзгартиришлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизга истиқболли инвестициялар киритилмоқда. Бундан ташқари, бугунги кунда мамлакатда коммунал хизматларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида ушбу соҳани

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Падисов, Сергей Геннадьевич. Монополии и антимонополистическая политика: тенденции развития в современной экономике тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.01, кандидат экономических наук Падисов, Сергей Геннадьевич// <https://www.dissercat.com/content/monopolii-i-monopoliya-i-lokalnaya-monopoliya-kak-ee-tip-istoriya-voprosa-metodologiya-teoriya-i-praktik>

2. Клюзина, Светлана Владимировна. Монополия и локальная монополия как ее тип: история вопроса, методология, теория и практика тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 08.00.01, доктор экономических наук // <https://www.dissercat.com/content/monopoliya-i-lokalnaya-monopoliya-kak-ee-tip-istoriya-voprosa-metodologiya-teoriya-i-praktik>

3. Экономическая теория: Учебник. - Изд., испр. и доп. / Под общ. ред. акад. В.И.Видяпина, А.И.Добрынина, Г.П.Журавлевой, Л.С.Тарасевича. – М.: ИНФРА-М, 2005, 121-6

4. Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. – М.: ТК Вебли, Изд-во Проспект, 2005, 191-б.; Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. Т.: «Ўқитувчи», 2002, 246-б.

5. Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Гафуров. “Иқтисодиёт назарияси” Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан дарслик сифатида тавсия этилган. Тошкент-2009 // http://arm.sies.uz/wp-content/uploads/2020/10/25-y-Iqtisodiyot-nazariyasi.-Darslik.-Sh.Sh_.Shodmonov.T-2009.pdf

6. Kosimov, A. (2022, January). THE ROLE OF THE SYSTEM OF “MAKHALLABAY” WORKS IN THE FURTHER MODERNIZATION OF THE ECONOMY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN BY INCREASING ITS COMPETITIVENESS AND INTEGRATED SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF REGIONS. In *International journal of conference series on education and social sciences (Online)* (Vol. 2, No. 1).

7. Kosimov, A. (2022, January). THE ROLE OF THE ENGLISH LANGUAGE IN THE FURTHER DEVELOPMENT OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN. In *International journal of conference series on education and social sciences (Online)* (Vol. 2, No. 1)

8. Kosimov, A. (2021). THE ROLE OF FOREIGN INVESTMENT IN THE FURTHER IMPROVEMENT OF THE COMPETITIVE STRATEGY IN THE CONDITIONS OF MODERNIZATION OF THE UZBEKISTAN ECONOMY. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(3), 1–3. <http://iejrd.com/index.php%20/article/view/2195>

9. Kosimov, A. (2021b, May). РОЛЬ иностранных инвестиций в совершенствовании конкурентной стратегии в условиях модернизации экономики УЗБЕКИСТАНА. In Andijan state university (Ed.), *СБОРНИК НАУЧНЫХ СТАТЕЙ И ТЕЗИСЫ* (pp. 252–256). ADU.

10. Shoxzod O’rol o’g, M. (2022). DAVLATNING MONOPOLIYAGA QARSHI BOSHQARUV FAOLIYATI. БАРҚАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОЛЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 491-492.

11. Rashidovna, M. R. (2022). MONOPOLIYAGA QARSHI ORGAN FAOLIYATINING FUNKSIONAL VA INSTITUTSIONAL JIHATLARI TADQIQI. *Ta’lim fidoyilar*, 18(5), 303-309.